

## ANTISTANDARD AND ANTIEXPRESSIVE FORMULA IN MEDIATEXT: DISCURSIVE ANALYSIS

**Shahodat Usmonova,  
Independent researcher of UzSWLU**

**Abstract.** In this article antistandard and antiexpressive formula in mediatext and their discursive analysis is given and analyzed thoroughly.

**Key words:** mediatext, discursive analysis, antiexpressiveness, antistandard.

**Кириш.** Кейинги йилларда тилшунослик соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар сирасига медиаматн, медиадискурс, медиатили кабиларни ўрганишга бағишланган изланишларни киритиш мумкин. Медиа тилига, жумладан, матбуот тилига қизиқишнинг кучайиши медиалингвистиканинг мустақил йўналиш сифатида вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, бу оммавий коммуникация ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳалари билан боғлиқ бир қатор омилларни келтириб чиқарди. Д.М.Тешабаеванинг фикрига кўра, “... оммавий ахборот воситалари тилига янгича ёндашувлар фақат дунё тилшунослиги ривожланишининг умумий йўналишлари билангина боғлиқ эмас. ОАВнинг ўзгарувчан вазибалари, жамиятда рўй бераётган ўтиш даври жараёнлари ҳам бунга бевосита таъсир кўрсатади. Бу эса, жамиятда маданият, сиёсат ва мафкурада рўй бераётган жараёнларни инобатга олган ҳолда, ОАВ тилини англаш заруратини келтириб чиқаради.

**Асосий қисм.** Шунинг таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари тилининг таъсир этиш кучи чексизлиги ва тил тафаккурининг умумлаштирувчанлик фаолиятида зарур қурол бўлиб хизмат қилиши, бу эса, ўз навбатида, ахборот алмашуви натижасида “дунёни кўриш, англаш, ахборотни қабул қилишда унинг аҳамияти беқиёс эканлигидан далолат беради”. М.М. Бахтиннинг фикрига кўра, “онг бошланган жойда диалог бошланади”. Кишилараро мулоқот жараёнида қўлланиладиган вербал тил ўз асосий хусусиятларини оммавий коммуникация жараёнида ўзига хос равишда намоён этади.

Д.М. Тешабаеванинг фикрига кўра, “...ахборот бу – асраш, узатиш, ўзгартириш объекти бўлиб хизмат қилувчи маълумотлардир. Аудиториянинг ахборотни қандай қабул қилиши уни узатишда қайси ахборот воситаларидан фойдаланилаётганлигига ҳам боғлиқ. Ҳар бир ахборот воситаси ўзига хос тил

ва ахборотни актуаллаштириш услубларидан фойдалангани ҳолда, унинг табиатини шакллантиради, бу эса, ўз навбатида, борлиқ ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга таъсир этади.

Ахборотни тақдим этишнинг энг муҳим шаклларида бири матндир. Дарҳақиқат, шиддат билан ривожланиб бораётган матбуот, радио, телевидение ва медиа-интернетнинг тили бу медиаматн ҳисобланади.

Бундан келиб чиқиб, ўз мавзу доирамида тахмин қилишимиз мумкин-ки, матн маданият маҳсули сифатида ўзгаришсиз қотиб қолган ҳодиса эмас, у турли маъноларни ифодалаш билан бирга, янги маъноларни яратиш, яъни креатив-яратувчанлик функциясига ҳам эга.

М.Ю. Казак медиаматннинг асосий категорияларига:

– медиавийлик – матннинг у ёки бу медиавоситалар ёрдамида мужассамлашуви, тарқалиш каналининг формати ва техник имкониятлари билан детерминацияланишувини ўз ичига олади;

– оммавийлик – медиамаҳсулотлар ишлаб чиқарилиши баробарида оммага тақдим этилиши;

– интегративлик – турли семиотик кодларнинг ягона коммуникатив яхлитликка бирлашуви билан кечадиган жараён бўлиб, медиаматнни яратишда унинг мазмун-моҳияти, тузилиши ва белгили равишда очиқлигини таъминлайди.

Медиаматнларни дискурсив таҳлили вербал компонентларни ва прагматик омилларни ҳам аниқлашни ўз ичига оладиган жараёндир. Агар фикрлашнинг лингвистик хусусиятидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, инсонларнинг нутқий фаолиятини маълум бир мунозара шакли сифатида дискурсив амалиёт, дея баҳолаш мумкин.

Замонавий публицистик услубда тилнинг икки тенг ҳуқуқли вазифаси кўзга ташланади: ахборот бериш ва таъсир этиш. Шунинг учун функционал услубшуносликда публицистик услубнинг публицистик ва информацион услуб ҳосил қилувчи омилларнинг дихотомиясига алоҳида эътибор берилади.

Д.М. Тешабаева фикрича “услуб ва дискурс бу – тилдан фойдаланиш”.

Газета дискурси – медиа дискурсининг институционал хилма-хиллигини акс эттирувчи лингвистик шаклланишдир. Унинг иштирокчилари – маълум бир маданий-тарихий даврнинг индивидуал ва жамоавий аъзоларидир (адресат ва адресант, аудитория ва маданий анъана, ўқувчи ва матн, муаллиф ва кенг аудитория).

А.И.Белоусованинг таъкидлашича, “масс-медиавий дискурс фақат оммавий ахборот воситаларини бирлаштиради, публицистик дискурс эса нафақат ОАВ матнларини, балки оммавий сиёсий ва ижтимоий бирлашмаларнинг фаолиятини ҳам ўз ичига олади. Газета-публицистик дискурс масс-медиавий дискурсининг бир қисми бўлмиш публицистик дискурсининг тури сифатида намоён бўлади”.

Замонавий публицистик матн учун у ёки бу функциянинг устунлиги аввало, жанрнинг хусусиятига боғлиқ. Ахборий матнларда стандартга мувофиқ тузилган маълумотларга устунлик берилса, таҳлилий матнларда функцияларнинг қандайдир мувозанатига мойилликни кузатиш мумкин.

Стандарт ва антистандарт (ифода) матнини яратиш лисоний воситаларни автоматлаштириш ва долзарблаштириш каби умумий принципларига мос келади.

Публицистик услубда унга хос бўлган ва бир-биридан ажратиб бўлмайдиган асосий принциплар сифатида информативлик ва таъсир характерининг инобатга олиниши, экспрессивликка мойилликни келтириб чиқаради. Ушбу принциплар услубнинг муҳим хусусиятларини – стандартлик ва тасвирийлик хусусиятларини келтириб чиқаради. А.Абдусаидовнинг фикрича, “бу бир-бирига қарама-қарши тенденциядаги ҳодисалар бир-бирини тақозо ҳам қилади ва яхлитликда олиб қаралади”.

Бизнингча, стандарт ва бўёқдорлик, информативлик ва эмоционаллик оппозицияси ҳам публицистик услубнинг конструктив белгилари саналади ва улар турли жанрларда турлича намоён бўлади. Газета тилида стандартлик ахборот етказиш зарурати ва тезкорлиги билан белгиланади.

А.Абдусаидов ҳам ўз изланишларида стандарт – антиэкспрессивлик, экспрессивлик – антистандарт формуласи ҳақида гапирганда ана шу белгиларни назарда тутган.

Экспрессивлик ва стандартлик шу даражада бир-бири билан чамбарчас боғланган-ки, уларни айро тассавур қилиб бўлмайди. Агар асосий мақсад маълумотни етказиш бўлса, бунда стандартлик устунлик қилади. Қолаверса, журналист муайян ижтимоий гуруҳга эга бўлган муаммога ўз нуқтаи назарини, муносабатини экспрессивлик орқали ифода этиши мумкин. Бу унинг танловига боғлиқ. Бу жараёнда стандартлар ёки қолип сўзлар экспрессивликнинг пайдо бўлишига муҳим сабабчи бўлади. Албатта, бу турдаги ибораларга бўёқдор иборалар кўшилса, экспрессивлик ҳосил бўлади.

Газета экспрессивлиги – бу айнан стандартлаштирилган бирликларга қарама-қарши аниқ конструктив лингвистик хусусият бўлган баҳоловчи белги ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, экспрессив синтактик конструкциялар чегарадан ва меъёрдан ошадиган “стандарт” бўлган конструкциялардир.

Газетада баъзи экспрессив лексемалар стандарт вазифасида келиши уларни қўллаш частотаси юқорилиги билан изоҳланади. Бундай метафоралар экспрессивлик вазифасини ўташ имконини беради. Масалан:

#### **“КЎПРИК” лексемаси**

*...Лекин ижтимоий тармоқлар, мухлис ва санъаткор ўртасида вертуал кўприк вазифасини ҳам ўтайди. Балки ўзингиз бу тармоқлардан фойдалансангиз сохталар камаярмиди? Бу ҳақида ўйлаб кўрмадингизми? (“Даракчи”, 2016. №20).*

*...Мақтаб ва оила ҳамкорлигини йўлга қўйишида ота-оналар мажлиси кўприк вазифасини ўтайди* (“Маърифат”, 2018. №4).

*...Корхона ва ташиқлотларнинг масъул ходими, иш берувчи сифатида ўз вазифасини тўғри анлагани ҳолда, ишчининг манфаатларини ҳам ҳисобга олиши икки томонни бирдек мурасага келтирувчи кўприк вазифасини ўтайди* (“Хабар”, 2019. №31).

*...Корхона раҳбари сифатида уларга ҳар қандай ёрдамни беришга тайёрман. Касаба уюшмаси қўмитаси ходимлар ва иш берувчини боғлаб турувчи кўприк бўлиши керак* (“Хабар” газетаси, 2020 йил 28 февраль, №9).

**Хулоса.** Экспрессивликнинг ўзига хос манбаи бу ахборот хабарларининг нейтрал тили фонида етакчи мақолаларнинг аниқ белгиланган тилига қарама-қарши фикр ҳисобланади. Бинобарин, бир-бирига қарама-қарши бўлган стандартлик ва экспрессивликнинг диалектик бирикмаси икки функционал ва турли жанрли матн массивларининг лингвистик воситалари ҳисобига амалга оширилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида). Филол.ф. д-ри..... дисс. – Тошкент, 2012. -Б. 35.

2. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. – М., 1984.

3. Володина М.Н. Язык СМИ как особый вид социального взаимодействия. Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Ч. 2. – М., 2004. –С. 11.

4. Казак М.Ю. Медиа-текст: сущностные и типологические свойства // Global Media Journal. Глобальный медиажурнал. Российское издание. – URL: [http://test.gmj.sfedu.ru/v2i1/v2i1\\_kazak.htm](http://test.gmj.sfedu.ru/v2i1/v2i1_kazak.htm) (дата обращения: 7.07.2011).

5. Куек Ф.А. Языковые средства газетного дискурса: лексико-семантический и прагматический аспекты. Автор. дисс...канд.филол. наук. – Краснодар, 2005.

6. Белоусова А.И. Ономастический концепт «Россия» в заголовочном комплексе газетного дискурса: лингвокогнитивный аспект: автореф. дис. ... канд. филол. наук. Вологда, 2011. 13 с.

7. Оганесян Д. Средства актуализации в языке современной русской прессы // ROSSICA OLOMUCENSIA, вып. XLVIII: Ročenka katedry slavistiky na Filozofické fakultě Univerzity Palackého. – Olomouc, 2010.

8. Каримов С. Ўзбек тили функционал стилистикаси. -Тошкент, 2010. - Б.72.

9. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Филол. фан. д-ри..... автореф. –Тошкент, 2005. 37 - б.

10. Bakaevna R. M. Artistic interpretation of the mythonyms of Angel and Devil in the works of A. Navoi //Middle European Scientific Bulletin. – 2020. – T. 5.
11. Baqoevna R. M., Oxunjonovna S. H., Qodirovna A. Z. ANALYTICAL AND SYNTHESIZED FOLKLORISM IN NAVOI'S WORK //Journal of Contemporary Issues in Business and Government. – 2021. – T. 27. – №. 2. – C. 1626-1633.
12. Baqoevna R. M. Interpretation of Navruz In Navoi's Work //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – T. 25. – №. 1. – C. 16-23.
13. Akhmedova D.B. Semantic labeling of language units// International Journal on Integrated Education. e-ISSN: 2620 3502 p-ISSN:2615 3785. Volume 3, Issue I, Jan 2020. – P. 177-179 // <https://www.researchgate.net/publication/339152869>
14. Akhmedova D.B. Set of semantic tags for Uzbek language units: constants and operator/classifier. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. Impact Factor, 2409-0085(online) Issue:02 Volume:82 Published 29.02.2020. – P.177-179.  
<https://www.elibrary.ru/defaultx.asp?rpage=https://www.elibrary.ru/item.asp?id=42658994>
15. Akhmedova D.B., Mengliyev B. Semantic Tag Categories in Corpus Linguistics: Experience and Examination// International Journal Of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN:2277-3878, Volume-8, Issue-3S, October-2019// <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss1/15/>